

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 14 (66243)
2000 йил 6 апрель.

Сотувда эркин нархда

АМИР ТЕМУР АВЛОДЛАРИ

ИЛМ ИСНАП

Олимпиада - 2000

Республика Халқ Таълими вазири Жўра Фаниевич Йўлдошев:

—... Азиз ота- оналар! Сиз ўз фарзандингизга бефарқ бўлмай, Тошкентга биргалашиб келдингиз. Бу эса болаларингиз тақдири билан ҳамиша қизиқшингиздан далолатдир. Ўтган йили 100 баллдан фақат биригина ўқувчи олган эди. Ушбу йилда саккиз нафар ўқувчи 100 балл тўплаб, «Олимпиада юлдузи» бўлди.

Физика фани бўйича энг юқори (90 балл) кўрсаткични Тошкент вилояти билимдонлари тўплади. Қолганлар эса 76 дан кам балл олди. Оқибатда икки ўрин бўш қолди...

Миркомил Қулматов - Жиззах вилояти, Галлаорол туманидаги 3- лицей интернатнинг 11-синфида ўқийди. У ҳуқуқ йўналиши бўйича 50 саволдан 48 тасига бехато жавоб берди ва 96 балл тўплаб, тенгдошлари орасида ўз қобилияти, билимининг юқори эканлигини исботлади. Миркомил билан суҳбатлашганимда у ўзининг устози Улугбек ака Қурбоновдан жуда хурсандлигини алоҳида таъкидлади.

-Шунингдек бу борада ота-онаминг ўрни катта,- деди у. - Оиламизда ҳуқуқшунослар борлиги учун ҳуқуқ мавзусида суҳбатлар кўп бўлиб туради...

Миркомил ўқийдиган лицей директори Бахтиёр ака Анорбоевни ҳам ўша ерда ҳаяжон билан турганини кўрдим. Фурсатдан фойдаланиб уларни суҳбатга тортидим. Айтишларича лицейда 150 нафар иқтидорли болалар таълим-тарбия олар экан. Ўқувчилар туман, вилоят миқёсидаги олимпиадаларда қатнашиб юқори ўринларни олишибди. Вилоят олимпиадасида етти нафар ўқувчидан беш нафари голибликни қўлга киритибди.

Мен Бахтиёр акага лицейингизга таниш-билиш билан ҳам кириб қолган ўқувчилар бордир, дея кўполроқ бўлса ҳам савол бериб, «йўқ, ҳар ойда ўқувчи ўз билимини, тартиб-интизомини синовдан ўтказди. Агарда лицей талабига жавоб бермаса ўз мактабига қайтарилади. Бу лицей Низомимизда ҳам кўрсатилган», - деган жавобни олдим.

Шу йилнинг 28- 29 март кунлари билимлар синовининг халқ қилувчи IV босқичи - Республика Олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда турли вилоятлардан 244 нафар ўқувчи қатнашиб, 76 дан 100 баллгача тўплаган 145 нафар ўқувчи голиб бўлди. 56 нафар ўқувчи эса шу кунгача ўз йўналиши бўйича олий ўқув юртига қабул қилинди.

Шундан сўнг вазир жаноблари 56 нафар юқори ўрин олган ўқувчиларнинг ўқитувчиларига «Халқ таълими аълочили» нишони берилишини эълон қилди.

Республика Таълим марказидаги умумий ўрта таълим бўлими бошлиғи, педагогика фанлари номзоди, доцент Туйғуной Ниёзметова:

ҚАШҚАДАРЁ ОЛТИНЧИ ЎРИНДА

/чунки еттинчи ўрин йўқ экан /

Шу куни Бухоро вилоятидан 9 нафар ўқувчи юқори балл тўплаб, биринчи ўринга чиқиб олди. Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятидан 6 ўқувчи ўрин олиб, иккинчи ўринга, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Тошкент вилоятларидан 5 нафар ўқувчи ўрин олиб, учинчи ўринга, Андижон, Самарқанд, Хоразм вилоятларидан 4 нафар ўқувчи тўртинчи ўринга, Сирдарё, Жиззах, Наманган, Сурхондарё вилоятидан келган 2 ўқувчи ўрин олиб, бешинчи ўринга ва ниҳоят Қашқадарё вилоятидан 1 ўқувчи... ўрин олиб, охириги ўринни олди.

-Бундан биз тушқунликка тушмаймиз, - деди Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги 2- лицей ўқитувчиси Абдуғани ака Ашуров. - **Менинг ўқувчим Фарруҳ Ваҳобов ҳуқуқ бўйича қатнашиб, 98 балл тўплади ва биринчи ўринни олди. Бироқ, фақатгина бизнинг лицейимиз ғалабаси ушбу олимпиадада барибир камлик қилди...**



Республика олимпиадаси голиблари Фарруҳ Ваҳобов ҳамда Миркомил Анорбоев. Суратни Бурхон Ризоқулов олган.

Ҳа, голиб бўлиш жуда яхши. Бироқ Амир Темур юрти бўлмиш қашқадарё...

Феруза ОДИЛОВА

9 апрель - Амир Темур туғилган кун

МОНОЛОГ

Мен ким, мулки Туронман,
Амири Туркистонман.
Ўз юртини машхуру
Жаҳон қилган - инсонман.

Дунё топдим бир олам,
Дунё йиғмадим, болам.
Лекин ожиз қалбимни
Тирнар гоҳо, бир алам.

Душман эмас, дўстларим,
Менга томон тош отди.
Ўз қаро қош - кўзларим,
Фаним деб мени сотди.

Қабрим кавлашиб, ҳайҳот,
Азоблашди руҳ-жонни.
Янгилаб ярам бот-бот,
Заҳарлаб Бибихонни.

Менинг қалбим азобда,
Гирён чирқиллади руҳ.
Кучиб ўглин жасадин,
Ҳайратда қотди Шоҳруҳ.

Ўтса ҳамки асрлар,
Қадримга етди авлод.
Танитиб жаҳон узра,
Пок руҳимни этди шод

**Азиза Жўраева,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидаги
9- умумтаълим мактабининг
8-«В» синф ўқувчиси**

релик ўқувчиларнинг билимлар синовиди охириги ўринга тушиб қолиши кишини бироз ранжитади. Ахир бу юрт тулроғида озмунча буюклар эл таниб, элларга ўзини танитганми?!

Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз. Ҳозир эса голиблардан ўрнак олинг, деймиз.

ИЖОДКОР ВА ХУНАРМАНД БУЛАЙЛИК!

Юнусобод туманидаги Қўшимча Техник таълим мажмуасининг очилганига ўн икки йил бўлди. Мажмуада бугунги кунда 1300 дан зиёд ўқувчи касб-ҳунар ўрганмоқда.

Тўғарақларимиз 21-мехрибонлик уйи ҳамда мактаблар қошида ҳам фаолият кўрсатади. Устозларнинг мақсади шаҳар, Республика слёт ва фестивалларига ўқувчиларни олиб чиқиш, касб-ҳунарга йўналтиришдан иборат.

Уч йил ўқиб, ҳунар олган ўқувчиларга битирув гувоҳномалари берилади. Улар миллий анъаналаримиз асосида каштачилик, косибчилик, наққошлик, гиламдўзликни эгаллайдилар. Сайёра Очилова, Абдумалик Аюпов каби ўқувчиларимиз фахримиздир. Мажмуада фазогирлар, авиамоделчилар, эркин хонада учиб турлари бўйича мусобақалар ҳам ўтказилиб турилади. Бу борада тўғарақ раҳбарлари А. Худойкулов, И. Алимов, М. Ишонқулова, М. Миралиеваларнинг хизмати катта.


«Ватанпарвар мудофаага» ҳамкорлик жамияти, радио-техника, ҳунар билим юрти ва маҳалла кўмиталари болажонларимиз касб-ҳунарли бўлишларида ўз ёрдамларини аямай, ютуқларимиз билан фахрланишмоқда. Ҳа, ҳамманинг мақсади битта: келажак авлод ижодкор ва хунарманд бўлсин!

Раъно АСҚАРОВА

ЕР КУНИ - 2000

Ер сайёраси бизнинг умумий яшайдиган уйимиз ҳисобланади. Сайёрамиз ривожланиш тарихига қиёслаганда инсоният тарихи лаҳзаларга тенгдир. Лекин шунга қарамай техник қудратга эга инсон сайёрани танг аҳволга солиб қўйди. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиий бойликлардан тартибсиз, исрофгарчилик билан фойдаланиш экологик инқироз ҳавфини келтириб чиқарди. Ҳозирда биз Ер табиатига мислсиз таъсир кўрсатаёلمиз. Кўз ўнгимизда иқлим ўзгариши амалга ошмоқда. Бутун бошли денгиз қуриятпти. «Озон туйнуклари», «Чўллашиш» таҳдид солмоқда. Ер табиатига тажовуз шундай давом этаверса, XXI асрда инсоният тақдири ҳавф остида қолиши муқаррардир. Биргалашиб ҳаракат қилиб, келажак авлодлар учун Ер сайёрасини яшнаётган ҳолда барқарор сақлаб қолиш бизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

Азиз устозлар! Қадрли ўқувчилар! Биз сизларни умумжаҳон Ер кунини ўтказишда қатнашишга таклиф қиламиз. Жаҳондаги 170 дан



ортиқ мамлакатларда 2000 йил 22 апрелда Ер кунини ўтказиш ҳаракатлари олиб борилмоқда. Шу куни миллионлаб кишилар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича жойларда турли тадбирлар ўтказадилар. Асосий мақсад - фаол ҳаракатлар йўлига ўтиш, Ер сайёраси ҳаёт муҳити-

ни сақлаб қолиш учун маҳаллий, ҳудудий ва жаҳон миқёсида биргалашиб ҳаракат қилишдир.

Ер куни бу йил ўттизинчи марта ўтказилади. Келинг, биз ҳам ушбу савобли тадбирдан четда қолмайлик. Ўз яшайдиган жойимизда, мактабимизда барча экологик муаммоларни ҳал қилишда қатнашайлик!

Ҳар бир экилган дарахт, тозаланган ариқ, кўча бизнинг умумий яшайдиган уйимиз - Ер сайёрасининг дардига дармон бўлади. Барқарор атроф-муҳитни таъминлашга ёрдам беради. Энг асосий мақсад - Ер тўғрисида қайғуришни кундалик ҳаёт тарзимизга айланишни таъминлашдир.

Азиз ўқувчилар, бизда экологик муаммолар анчагина. Экологик муаммоларни ҳал қилишда бевосита қатнашиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Шу бугундан уларни ҳал қилишда ўз ҳиссангизни кўшишни бошланг. Ер тақдирига бефарқ эмаслигингизни амалда кўрсатинг. Уюшиб ҳаракат қилинг. Натижалари салмоқли бўлади. Бу борада маҳаллий ҳокимият идоралари ва экологияни муҳофаза қилиш ташкилотларига мурожаат қилинг.

22 апрель - Ер кунини қандай ўтказмоқчи эканлигингиз ҳақида бизларга ёзиб юборинг. Ушбу савобли ишдан четда қолманг.

ОЗОДЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Францияда ватан озодлиги учун жонини қурбон қилган Жанна д'Арк номли қизчани ҳар бир фуқаро фахр билан тилга олади. Мана, 571 йилдан бери оддий қиз Жаннанинг номи француз халқи учун «озодлик тимсоли»дир. Чунки унинг ҳаёти ватанга ҳақиқий муҳаббат тимсоли бўлиб қолди.

Жуда оғир дамларни бошидан кечириётган Францияни инглизлар босиб олган эди. Улар билан уруш 100 йил давом этди. Инглизлар француз халқини ваҳшийларча қириб, азобларди. Она ернинг таланиши француз халқи учун оғир қайғу эди. По-

ЖАННА д'АРК

дачи қиз Жаннанинг ҳам қалби азоб чекарди. Бепоён ўтлоқ, дарёлар, сўлим ўрмонлар, баланд тоғлар, ўзи туғилиб ўсган Домреми қишлоғидаги деҳқонларнинг уйлари - у ватан деб англаган ҳамма нарса ниҳоятда қадрли эди. Шу сабабдан Жанна ватандошлари қалбида жасорат ва босқинчиларга қарши газаб уйғота олди.

Жаннанинг ўзи кўшин тўплаб, уни душманга қарши жангга бошлаб борди. Ўшанда Жанна атиги 17 ёшда эди. У жанг қилишда, қиличбозликда ҳеч бир эркакдан қолишмасди.

1429 йилнинг май ойида Жанна бошчилик қилган кўшин Орлеан шаҳрини инглизлардан озод этди. Шу муносабат билан халқ Жаннани Орлеан қизи деб атай бошлади. Тез орада деҳқон ва ҳунармандлар ҳам Жаннанинг отрядига қўшила бошладилар. Натижада қадимги Реймс шаҳри ҳам ваҳший инглизлар чангалидан озод этилди. Саркарда қиз ғалабасини бутун Франция олқишлади.

Халқ хурсанд эди-ю, аммо қахрамон қизнинг ишларидан Франция феодаллари, баронлар, графлар, герцоглар норо-

зи эди.

Чунки қуролланган деҳқонлар графлар учун босқинчи инглизлардан кўра хавфлироқ кўринарди. Шунинг учун ҳам жангларнинг бирида Жанна душман томонидан асир олинганида, феодаллар уни қутқариш учун мутлақо ҳаракат қилмадилар. Инглизлар бир йилгача Жаннани тутқунликда ушладилар, кейин уни жодугарликда айблаб, 1431 йил, 30 майда инквизиция ҳукмига кўра гулханда ёқдилар.

Бироқ, қахрамон қиз даъвати билан оёққа турган халқни энди енгиб бўлмасди. Кўп ўтмай бутун Франция ери озод этилди.

ИНГЛИЗ ТИЛИ СИЗ УЧУН ENGLISH FOR YOU

Азиз болажонлар! Ҳозирги кунда инглиз тили - жаҳон тили ҳисобланади. Деярли бутун дунё мамлакатларида инглиз тилини тушунадилар ва шу тилда сўзлашадилар.

Биз ҳам инглиз тилини эндигина ўрганишни бошлаётганлар учун махсус дарс ўтмоқчимиз.

Тил ўрганишда энг аввало, сўзларни ёд олиш ва сўз бойлигига эга бўлиш жуда муҳимдир. Шунинг учун, биринчи дарсимизни берилган инглизча сўзларни ёд олишга бағишладик. Дарсимизда инглизча сўзларнинг таржимаси, қандай ўқилиши - яъни транскрипцияси ҳам берилиб борилади, бу сўзлар катта ва кичик ёшдагилар учун бир хилда тушунарли ва осондир.

Ҳозир юртимизда баҳор фасли бўлгани учун, шу мавзуга доир сўзларни сизга ҳавола этамиз.

Баҳор мавзусига оид сўзларни ёд олинг!

SPRING (СПРИНГ) - БАҲОР
BLOOM (БЛУМ) - ГУЛЛАМОҚ
FLOWERS (ФЛАВЕРЗ) - ГУЛЛАР
SNOWDROP (СНОУВДРОП) - БОЙЧЕЧАК
VIOLET (ВАЙЛЕТ) - БИНАФША
GREEN GRASS (ГРИН ГРОСС) - ЯШИЛ ЎТ
AWAKE (ЭВЕЙК) - УЙҒОНМОҚ
WARM (ВОРМ) - ИЛИҚ
PLEASANT (ПЛИЗНТ) - ЁҚИМЛИ
WEATHER (ВЭЗЕР) - ОБ-ҲАВО
BIRDS (БЁРДС) - ҚУШЛАР
SUN (САН) - ҚУЁШ
SHINE (ШАЙН) - НУР ТАРАТМОҚ
LEAF (ЛИИФ) - БАРГ
LEAVES (ЛИВЗ) - БАРГЛАР



Саҳифани
ШОҲРУҲ КАРИМБЕКОВ
тайёрлади.

«ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР» СИРТҚИ МАКТАБ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

«Иқтисодиётдан сабоқлар» сиртқи мактаб конкурсининг 1999-2000 йилги мавсуми лойиҳа муаллифлари фан номзодлари Эргашвой Сариков ва Баҳодир Ҳайдаровларнинг ташаббуси билан яна бошланган бу йилги конкурс билан бир қаторда яна уч йўналиш бўйича алоҳида кичик конкурслар ўтказилди:

1-йўналиш: Энг яхши иқтисодий мазмундаги мақолалар конкурси.

2-йўналиш: Энг яхши бизнес-режа лойиҳалари конкурси.

3-йўналиш: Энг яхши рекламалар конкурси.

«Иқтисодиётдан сабоқлар» сиртқи мактаб конкурсининг ўзагини ўқув йили давомида олиб бориладиган дарс топшириқлари асосидаги асосий конкурс ташкил қилди. Бошқа кичик конкурсларга қатнашмоқчи бўлган ўқувчилар бу асосий конкурс шартларини йил давомида бажариб бордилар.

«Иқтисодиётдан сабоқлар» сиртқи мактаб конкурсига оид материаллар ва топшириқлар газета орқали бериб борилди. Сиз дарс материалларини ўрганиб чиқиб, топшириқ шартларини газетадан кўчириб олдингиз ёки ундан ксероксда нусха олиб, тўлдириб жўнатиб турдингиз.

Конкурснинг якуний босқичи 2000 йил 1 май кунини Тошкент шаҳрида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Асосий конкурс ғолибларини **ТЕЛЕВИЗОР, МАГНИТАФОН, АУДИОПЛЕЕР** каби қимматбаҳо совғалар кутмоқда.

Кичик конкурс иштирокчилари учун ҳам алоҳида махсус совринлар белгиланган.

XXI аср фани бўйича ўтказилаётган конкурсга турли янгиликларга қизиқувчан, тиришқоқ ва ижодий фикрлайдиган ўқувчиларни таклиф қиламиз.

Омад сизга ёр, билим мададкор бўлсин!

Конкурс ташкилотчилари.

16- ДАРС

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Келинг, олдинги параграфда келтирилган, мамлакат қишлоқ хўжалик соҳаси бўйича бозор иқтисодиёти шароитида: Нима ишлаб чиқариш керак? Қандай ишлаб чиқариш керак? Ким учун ишлаб чиқариш керак? деган саволларга биргаликда жавоб излайлик.

Аниқлик учун, узум етиштириш соҳасини муҳокама қилайлик.
1. **НИМА?** Айтингчи, узумнинг қандай навларини экишни, қанча миқдорда экишни мамлакатимизда ким белгилайди? Албатта, ҳеч ким. Ҳар бир соҳибкор деҳқон бозорда олдинги йил қандай узум навлари кўпроқ сотилгани ва яхши даромад берганига қараб етиштиради. Унга ҳеч ким фалон узум навидан фалон тонна етиштириш, деб айтмайди. Демак, бу саволга жавобни бозор берад экан.

2. **ҚАНДАЙ?** Тоқларни қандай технология бўйича парвариш қилиш керак? Қайси механизмлардан фойдаланиш кераклигини ким белгилайди? Буни ҳам ҳеч ким айтмайди. Буларни ҳар бир соҳибкорнинг ўзи эркин ҳал қилади. Қандай қилганда узум таннархи паст бўлиб, бозорда сотилганда кўп фойда олинади? Шу саволдан келиб чиққан ҳолда, парвариш қилиш технологиясини ҳар бир соҳибкорнинг ўзи белгилайди.

3. **КИМ УЧУН?** Етиштирилган узум ҳосили қандай тақсимот қилинади? Тошкент шаҳрига қанча узум керак? Қашқадарё вилояти учун қанча узум керак бўлади? Бу саволларга ким жавоб беради? Албатта, бу саволларга ёлғиз бозор жавоб беради. Қайси жойда узумга эҳтиёж бор экан, соҳибкорлар ўша жойга бориб узум сотадилар.

Бозорда қанча кўп, хилма-хил узум навлари сотилса, нарх шунча паст бўлади, қанча кам миқдорда сотилса, узумнинг нархи шунча юқори бўлади. Демак, нархни ҳам ҳеч ким тепадан белгиламайди. Нархни бозорнинг ўзи бошқариб туради.

Етиштирилган узумни сотишдан тушган даромадни қандай ишлатишни ким белгилайди? Бу саволга ҳам бозор жавоб беради.

Бу йил қайси мева тури яхши даромад берди? Келаси йили нима кутяпти? Бу саволга ҳар бир соҳибкор ўзича мустақил жавоб топади ва эркин иш юритади.

Бозор иқтисодиёти тизимини танлаган мамлакатларда нафақат юқорида қаралган битта соҳа миқёсида, балки бутун мамлакат иқтисодиёти миқёсида кўйилган Нима?, Қандай?, Ким учун? деган саволларга бозор жавоб беради. Бу тизимнинг “бозор иқтисодиёти” деб аталишининг моҳияти ҳам шунда.

Айтинг-чи, агар юқорида таҳлил қилинган вазиятда боғлар давлатники бўлганда, айтилганларнинг ҳаммаси тўғри бўлар эдимиз? Йўқ, албатта. Юқорида айтилганлар, боғлар соҳибкорларнинг хусусий мулки бўлиб, улардан ўз хоҳишига кўра фойдалангандагина ўринли бўлар эди.

Шундагина ҳар бир соҳибкор эркин фаолият юритиб, танлаб, хоҳлаган нарсасини етиштиради, бозордаги бу маҳсулотга бўлган талабни қондиради. Акс ҳолда, уларнинг ташаббускорлиги сўндирилиб, эркин иқтисодий фаолият кўрсата олмас эдилар.

Демак, бозор иқтисодиётининг яна бир асосий хусусиятлардан бири-бу хусусий мулкчилик ва эркин иқтисодий фаолиятга асосланганлигидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида турли хил мулк шакллари хусусий, жамоа ва давлат мулклари мавжуд бўлиб, улар тенг ҳуқуқли ривожланади.

Бозор иқтисодиётининг яна бир муҳим хусусиятларидан бири-бозор иштирокчиларининг иқтисодий манфаатдорчилиikka, фойда олишга бўлган интилишидир.

Ҳар бир фуқародаги кўпроқ фойда олишга бўлган интилиш, унинг иқтисодий фаолиятини рағбатлантиради, янгиликка ундайди. Бу эса, охир оқибат ишлаб чиқарувчилар орасидаги рақобатни келтириб чиқаради. Рақобат ҳам бозор иқтисодиётининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Бозор иқтисодиёти монополияни рад этади. Чунки, бундай монополия бор жойда эркин иқтисодий фаолият ва рақобат бўла олмайди.



Бозор иқтисодиётининг асосий хусусиятлари.
Хулоса қиладиган бўлсак, бозор иқтисодиётининг асосий хусусиятларига:

1. Эркин иқтисодий фаолият
 2. Хусусий мулкчилик
 3. Эркин нархлар
 4. Иқтисодий манфаатдорлик ва фойда олишга бўлган интилиш
 5. Монополияни рад этиш
 6. Рақобат
- кабиларни киритиш мумкин экан.

16 - ТОПШИРИҚ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Тўғрисига «+», нотўғрисига «-» белгиси кўйилсин.

Бозор иқтисодиёти амал қилган мамлакатда

1. “Нима?” саволни ҳар бир ишлаб чиқарувчи мустақил ечади.

2. Қандай технология билан ишлаб чиқаришни давлат кўрсатади.

3. Товар ва хизматларни қандай нархда сотишни бозор белгилайди.

2. Эркин иқтисодий фаолият юрғизишнинг моҳиятини баён қилинг.

Жавоб:

3. Бозор иқтисодиётининг монополияни рад этиш хусусиятининг бузилиш, унинг бошқа қандай хусусиятларининг бузилишига олиб келади?

Жавоб:

4. Қуйидаги саволларга нотўғри жавобни ўчиринг. Охириги саволни ўзингиз кўйинг.

САВОЛЛАР

ЖАВОБЛАР

1) Бозор иқтисодиёти шароитида давлат мулки бўладими? **Ҳа Йўқ**

2) Режали иқтисодиёти шароитида хусусий мулк бўладими? **Ҳа Йўқ**

3) Рақобат нархга таъсир қиладими? **Ҳа Йўқ**

4) Хусусий мулкчилик бўлмаганда бозор иқтисодиёти амал қила оладими? **Ҳа Йўқ**

5. Бозор иқтисодиётининг режали иқтисодиётдан устунликларини (афзаллик томонларини) сананг.

Жавоб:

6. Ўқув қўлланмада келтирилган узум етиштириш соҳасида “Нима? Қандай? Ким учун?” саволлар, боғ давлатга қарашли бўлган ҳолда, қандай ечилиши мумкин эди? Ўз фикрингизни баён қилинг.

Жавоб:

7. Бозор иқтисодиётининг рақобатга мойиллик хусусиятининг бузилиши, унинг бошқа қандай хусусиятларининг бузилишига олиб келишини асослаб баён қилинг.


Жавоб:

8. Бозор иқтисодиётига таъриф беринг.

Жавоб:

КОНКУРСИНИНГ «1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛГИ МАВСУМИ»

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ



17- ДАРС

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бозор иқтисодиёти бир неча асрлар давомида шаклланиб бориб, аста-секин ривожланиб, доимо ҳаракатдаги гараққиёт йўлини босиб ўтди.

Дунёнинг аксарият мамлакатлари халқлари ўз тақдирларини бозор иқтисодиёти билан боғладилар. XX асрга келиб эса марказлашган буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиётга асосланган қатор давлатлар вужудга келди.

Натижада бу икки тузум ўртасида рақобат, амалдаги ўзаро мусобақа пайдо бўлди.

Бозор иқтисодиёти жамият ҳаётидаги ўзгаришларга жавобан, ижобий хусусиятларни ўзида тез мужассамлаштириб, бу ўзгаришларга тезликда мослаша олди ва бу билан иқтисодий тараққиёт ривожига пойдевор бўлди. Режали иқтисодиёт эса, ўзининг бесўнақайлиги, ўзгаришлари, тез мослаша олмаслиги туфайли жамиятнинг иқтисодий тараққиётига гов бўлиб, уни бўға бошлади.

XX аср охирига келиб, бозор иқтисодиётига таянган давлатлар иқтисодиёт гуллаб-яшнаб, иқтисодий тараққиётда илгарилаб кетишди. Марказлашган режали иқтисодиёт ҳукм сурган давлатлар иқтисодиёти таназзулга юз тутиб, жаҳон тараққиётидан анча орқада қолиб кетишди. Бугунги кунга келиб, бу мамлакатларда ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш ҳам тарихий, ҳам иқтисодий зарурият туфайли муқаррар иш бўлиб қолди.

Хўш, бугунги кунга келиб бозор иқтисодиёти ўзида яна қандай ижобий хусусиятларни мужассамлаштирди?

Бозор иқтисодиётининг дастлабки кўринишларида давлат иқтисодиётига аралашмасдан, ундан четлашиб қолган бўлса, ҳозирда давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашуви ижобий ҳолат сифатида эътироф этилмоқда. Давлатга жамиятда иқтисодий қонун-қоидаларнинг амал қилиши учун зарур шарт-шароитлар ҳозирлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш, иқтисодиётни тартибга тушириб туриш, бозор тизимини муҳофаза қилиш каби вазифалар юклатилди. Эндиликда бозор иқтисодиёти шароитида давлат иқтисодиётининг асосий иштирокчиларидан бирига айланади.

Дастлаб, жамият ўта бой ва ўта камбағалларга ажралиб, мулк озчилик қўлида тўпланиб, жамиятдаги ижтимоий мувозанат беқарор бўлган бўлса, ҳозирги бозор иқтисодиёти, жамият аъзоларини кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилишга, оммавий фаровонликни таъминлашга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Ривожланган давлатлардаги ҳозирги бозор иқтисодиёти юқорида кўрсатилган хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, уни аралаш иқтисодиёт, деб ҳам аташади. Бозор иқтисодиётига ўтиш деганда, биз худди шу сифатларга эга бўлган аралаш иқтисодиётга ўтишни тушунамиз.

Режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш қатор соҳаларда бозор ислоҳотларини амалга оширишни талаб қилади.

Булар жумлфсига:

- мулкчиликни ислоҳ қилиш;
- қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар;
- молия-кредит соҳасидаги ислоҳотлар;
- ташқи иқтисодий алоқалардаги ислоҳотлар;
- ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар киради.

17 - ТОПШИРИК

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ

1. Биринчи устунга бозор иқтисодиёти амал қилаётган, иккинчи устунга эса унга ўтаётган давлатлар номларини ёзинг.

Бозор иқтисодиётига

амал қилаётган давлатлар

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

ўтаётган давлатлар

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

2. Замонавий сифатли автомобиль, электроника аппаратлари, уй-рўзгор буюмлари ва ҳоказолар қайси давлатларда ишлаб чиқарилишини ва бу давлатларда амал қилинаётган иқтисодий тизимни аниқлаб, жадвални тўлдиринг.

Буюмлар	Давлатлар	Тизим тури
Автомобиль		
Телевизор		
Компьютер		
Сифатли кийим-кечаклар		

3. Жумланинг маъносини аниқлаб тўлдиринг.

Бозор иқтисодиётига ўтиш деганда, куйидаги

сифатларга эга бўлган аралаш иқтисодиётга ўтишни тушунамиз.

4. Давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашмаслиги қандай салбий, аралашини эса қандай ижобий натижаларга олиб келишини аниқлаб, баён қилинг.

Ижобий Салбий

1. _____
2. _____

5. Бирорта корхона(сизга яқин колхоз, совхоз, тўқимачилик фабрикаси, завод ва ҳоказони) танлаб олиб, унинг собиқ иттифоқ даврида қандай тарзда фаолият кўрсатганини катталардан сўраб, баён қилинг.

Жавоб:

6. Оддинги машқда ўзингиз танлаган корхона фаолияти бўйича куйидаги саволларга жавоб ёзинг.

1. Қандай товарларни ва уларни қанчадан ишлаб чиқаришни ким белгилаган?

Жавоб:

2. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кимга, қанчадан сотишни ким белгилаган?

Жавоб:

3. Ишчиларга қандай иш ҳақи тўлашни ким белгилаган?

Жавоб:

4. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижий мамлакатларга сотилганми?

Жавоб:

5. Ишлаб чиқарилган товарларнинг сифати хорижий мамлакатларда тайёрланган худди шундек товарларнинг сифатидан яхши бўлганми ёки ёмон бўлганми?

Жавоб:

6. Шу корхонада, ҳозирги кунда бўлаётган ўзгаришларни, иқтисодиётнинг учта асосий саволлари қандай ҳал қилинаётганлигини баён қилинг.

Жавоб:


7. XX асрда марказлашган режали иқтисодиёт ҳукм сурган давлатлар иқтисодиётининг ривожланишидан орқада қолиб кетишининг сабабларини аниқлаб, баён қилинг.

Жавоб:

Диққат, конкурс: XXI аср фани бўйича

«ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР» СИРТКИ МАКТАБ КОНКУРСИНИНГ
1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛГИ МАВСУМИ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ



18 - ДАРС

ЎЗБЕКИСТОН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ САРИ

1991 йил Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, собиқ иттифоқ истибодидан халос бўлди. Энди халқимиз олдида мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлаш, ҳур ва эркин фуқаролар жамиятини қуришдек ўта масъулиятли вазифа турар эди.

Бу вазифани бажаришнинг бирдан-бир йўли - бу бозор иқтисодиётига ўтиш эди. Ўзбекистоннинг миллий, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, янги бозор иқтисодиётига ўтиш йўл-йўриқларига, бозор ислохотларига Президентимиз И. А. Каримов томонидан илгари сурилган бешта тамойил асос қилиб олинди. Ўзининг долзарблиги ва ҳаётлиги билан тез орада машҳур бўлиб кетган бу беш тамойил, нақадар тўғри танланганини Республикамизнинг бу кунги равнақи кўрсатиб турибди.

Бу тамойилларнинг асосий моҳияти Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида очиб берилган. Бу тамойиллар қуйидагилар:

1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлиги. Бу тамойил «аввал иқтисод, кейин сиёсат» деган нақлга асосланади. Қолоқ иқтисодиёт сиёсий мустақилликка таянч бўла олмайди. Шунингдек, бу тамойилга кўра иқтисодиёт ҳар қандай мафкурадан ҳоли бўлмоғи кўзда тутилади.

2. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат- бош ислохотчи бўлиши. Бу тамойилга кўра, давлат бутун халқ манфаатларидан келиб чиқиб, ислохот жараёнларининг ташаббускори бўлади ва уларни амалга оширишга раҳбарлик қилади.

3. Қонунлар ва уларга риоя қилиш устиворлиги. Бу тамойилга кўра, ислохот жараёнлари тартибли, синалган ва амалий кучга эга бўлган қонунлар асосида, уларга сўзсиз риоя қилиш билан амалга оширилади.

4. Фаол ижтимоий сиёсат юритиш. Бу тамойилга кўра, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланади. Аҳолини турмуш даражасидан келиб - чиқиб, ижтимоий ҳимоя қилиш чора тadbирлари кўрилади.

5. Бозор иқтисодиётига секин-аста босқичма-босқич ўтиш. Бу тамойилга кўра бозор ислохотлари шошилмасдан, ҳар томонлама пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилади.

Ушбу тамойиллардан келиб чиқиб республикада, шу ўтган қисқа вақт ичида оламшумул ўзгаришлар амалга оширилди. Халқимиз собит қадамлар билан бозор иқтисодиёти томон дадил бормоқда.

Мулкчиликни ислоҳ қилиш соҳасида, давлат мулки ҳисобланмиш завод ва фабрикалар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, уй-жойлар ва бошқа давлат мулклари хусусийлаштирилиб жамоа ёки хусусий мулкка айлантирилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, одамларга ер бепул берилиши, шахсий ташкилотлар учун ер майдонларининг кенгайтирилиши, фермер ва деҳқон хўжаликларининг тузилиши билан амалга оширилмоқда.

Молия-кредит соҳасидаги ислохотлар, республикамиз ўз валютасининг муомалага киритилиши, қатор тижорат банкларининг очилиши, қимматбаҳо қоғозлар бозорининг ташкил қилиниши, янгича солиқ тизимини яратиш каби қатор бозор талабига жавоб берувчи молия тизимини яратиш ёрдамида амалга оширилмоқда.

Ташқи иқтисодий алоқалардаги ислохотлар, республикамизнинг ташқи иқтисодий алоқаларини эркинлаштиришга қаратилган. Кўплаб хорижий давлатлар билан қўшма корхоналар ташкил қилинмоқда. Республикамизнинг бошқа давлатлар билан савдо- сотиқ қилиш имкониятлари кенгаймоқда.

Ижтимоий соҳадаги ислохотлар, ўтиш даврида вужудга келадиган қимматчиликдан аҳолини ҳимоя қилишга қаратилган. Нарх-навонинг ошишига мос равишда маош, стипендия, пенсия ва турли хил нафақа пуллари миқдори ошириб борилмоқда. Республикамиз билан бир қаторда мустақилликни қўлга киритган ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатлар талайгина. Бу давлатларнинг баъзиларида бозор ислохотлари шошма-шошарлик ва таваккалчилик билан амалга ошириляпти. Бунинг оқибатида бу давлатлар иқтисодиёти ўта мушкул вазиятга тушиб қолмоқда. Бундай аянчли аҳволни кўриб туриб, бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислохотлари нақадар оқилона ва изчил йўлдан бораётгани ва амалга ошириляётганлигига амин бўламиз.

18 - ТОПШИРИҚ

ЎЗБЕКИСТОН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ САРИ

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Президентимиз И. А. Каримов илгари сурган бешта тамойилни сананг.

- _____
- _____
- _____
- _____
- _____

2. Мулкчиликнинг ислоҳ қилиш соҳасида Республикада қандай ишлар амалга оширилди?

Жавоб: _____

3. Иқтидорли талабаларни ривожланган хорижий давлатларга юбориб ўқитишдан давлатимиз кўзлаган мақсадлар нимада деб ўйлайсиз?

Жавоб: _____

4. Қуйидаги саволларга ўз муносабатингизни билдириб, нотўғри жавобни ўчиринг.

САВОЛЛАР	ЖАВОБЛАР
Биз аралаш иқтисодиётига ўтаяпмизми?	Ҳа Йўқ
Республикада қўшма корхоналар фаолият кўрсатяптими?	Ҳа Йўқ
Республикада хорижий давлатларга ўз товарларини сотадими?	Ҳа Йўқ
Мамлакатимизда ер хусусий мулкми?	Ҳа Йўқ
Республикада бозор иқтисодиётига тўла ўтиб бўлдими?	Ҳа Йўқ
Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар қандай амалга оширилмоқда?	
Жавоб:	

6. Президентимиз И. А. Каримовнинг Қандай асарларини биласиз?

Жавоб: _____

7. Жумланинг маъносини аниқлаб тўлдириг.

Қонунлар ва уларга риоя қилиш устиворлиги тамойилига кўра, ислохот жараёнлари _____

амалга оширилади.

8. Жадвалнинг биринчи устундаги тамойиллар нимани аниқлаб, иккинчи устунга ёзинг.

Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги	
Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиши	
Қонунлар ва уларга риоя қилишнинг устиворлиги	
Фаол ижтимоий сиёсат юритиш	
Бозор иқтисодиётига секин-аста, босқичма-босқич ўтиш	

МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА
ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2- уй, 402-хона
(Музаффар Пирматовга).
Мурожаат учун тел.: 139-49-32.

“ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР – 2000” СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги, Республика Таълим маркази, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, “Тонг юлдузи” газетаси, “Камолот” жамғармаси “Ёшлар муаммолари” институти, Республика иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси ва конкурс лойиҳаси муаллифлари Э. Сариков ва Б. Ҳайдаровлар томонидан ташкил қилинган “Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсининг бошланғич босқичи ўз ниҳоясига етмоқда.

Конкурсга Республикаимизнинг ҳамма вилоят ва туманларидан, ҳатто қўшни республикалардан 400 га яқин ўқувчилар қатнашди. Конкурсга сиз азиз ўқувчилардан 4000 га яқин хатлар олдик.

Конкурсимизга қатнашган барча-барчага конкурс ташкилий қўмитаси номидан **ТАШАККУР** билдирамиз. Келгуси ўқишларингизда, иқтисодиёт илмининг ўзингиз учун сирли бўлган қирраларини кашф этишингизда зафарлар тилаб қоламиз.

Конкурс топшириқларини имкон қадар тўғри ҳал қилиб, бутун йил давомида фаол қатнашганлари учун куйидаги ўқувчилар яқунловчи босқичга қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар:

Тошкент вилоятидан: Усмонова Марҳабо (Пскент шаҳри, 5-мактаб, 8-синф);

Навоий вилоятидан: Қодиров Шўхрат (Қизилтепа тумани, 13-мактаб); Мирзаев Шўхрат, Ўринов Азим (Хатирчи тумани, 74-мактаб); Бекназаров Беҳзод, Н. Хайруллаева, Б. Эгамбердиева, Турдиев Беҳзод, Т. Эгамбердиев, Ражабова Нафиса, Норматов Мақсуд, Ниёзова Ойгул, Ш. Жабборова (Хатирчи тумани, 22-мактаб); Рустамов Умид (Нурота тумани, 1-гимназия); Жумаева Мўтабар (Қизилтепа тумани, 37-лицей); Жуманазаров Одил (Нурота тумани); Хўжамова Хулкар (Навоий шаҳри); Алимова Шаҳноза, Алимов Акбар (Нурота тумани, 17-мактаб); Аҳмедов Ўлмас, Самиев Элёр (Қизилтепа тумани, 18-мактаб); Жумаев Шавкат, С. Жумаева (Навоий шаҳри, 18-мактаб); Шодиева Дилдора (Нурота тумани, 2-мактаб);

Фарғона вилоятидан: Холдорев Илёмжон, Аҳмадалиев Баҳодир, Раҳимов Тўлқин, Рўзиматов Қобилжон, Холдорев Умиджон (Богдоқ тумани, Иқтисодий гимназия); Сулаймонов Хабибулло (Ўзбекистон тумани, иқтисодий мактаб-интернати); Сиддиқов Сарвар, Тўйчиева Гулноза (Риштон тумани, 4-мактаб); Валихонова Дурдона (Кўқон тумани, 9-мактаб);

Андижон вилоятидан: Эгамбердиев Рустам, Исмоилов Элёр, Абдурахмонов Ойбек, Хасанова Раҳнамо, Нурбоев Дилшод, Маҳмуджонов Орифжон, Салимов Рустам, Умаралиев Элёр, Расулов Азимжон, Ҳақимова Зиёда, Икромов Шўхрат, Аъзамова Шоҳида, Тургунов Ойбек, Аҳмедова Раъно, Ахроркулов Сайфулло, Норбоева Машҳура, Ортиқов Азамат (Қорасув шаҳар, 19-мактаб-интернат); Йўлдошева Саида (Андижон тумани, 3-мактаб, 8-синф);

Наманган вилоятидан: Кўчқоров Муслимбек, Кўчқорова Мадина, Давлатова Маҳаббат, Маматвалиева Дилдора, Жунайдуллаева Маҳмуда, Соболдиева Мадина, Нарзуллаева Зоҳида, Г. Сотиболдиева, Султанова Нозима (Чортоқ тумани, 31-мактаб); Файзиева Дурдона (Наманган шаҳри, 7-мактаб);

Қашқадарё вилоятидан: Юсупов Аслиддин, Раҳимов Абдор, Жумаев Элбек, Мансурова Камола, Муртазаева Раъно, Алимов Муҳаммади, Айибова Зилола, Собирова Малика, Ражабова Гулноза, Ҳамроев Фарруҳ, Ўринова Дилфуза, Мирзаев Маъруф, Мингишев Лазиз, Раҳматов Жасур, Эгамбердиев Фарҳоджон, Жўраев Ойбек, Очилова Нафиса, Қодирова Дилобар, Аҳмедова Дилдора, Д. Элмуродова, Ҳайдаров Жасур, Ҳидиров Хусан, Ҳалимов Аббос, Ҳошимов Дилшод (Қарши шаҳри, 35-мактаб);

Сурхондарё вилоятидан: Эшбоева Гулшода, Бикметов Руслан, Раҳимов Абдуманноп, Менглиев Шерзод, Расулов Шарофиддин, Холматов Содиқ, Бозоров Жасур, Муҳаммадиев Шавкат, Боймуҳамедов Абдулазиз (Узун тумани, 3-гимна-

зия);

Хоразм вилоятидан: Очилов Султонбой, Ёқубов Ҳожибой, Искандарова Меҳрибон, Худоёрова Иқбол (Шовот тумани, 28-мактаб);

Самарқанд вилоятидан: Жўраев Жасур (Пахтачи тумани, 15-мактаб, 7-синф).

Бухоро вилоятидан: Ҳалавов Иномжон, Аҳмедов Ҳикмат (Жондор тумани, иқтидорли болалар мактаб-интернат); Зухуров Рустам (Бухоро тумани, 1-мактаб, 7-синф); Усмонов Умид (Қоракўл тумани, 164-лицей); Ёшиева Камола (Вобкент тумани, 1-гимназия, 8-синф); Азимов Жамшид (Қоракўл тумани, 1-мактаб-интернати, 8-синф);

Сирдарё вилоятидан: Маматов Жамолддин (Бобёвут тумани, 17-мактаб, 8-синф);

Жиззах вилоятидан: Сувонова Нигора, Турсунова Шоҳишта, Хонимқулов Фарҳод, Тўйчиева Нигора (Жиззах шаҳар, 15-мактаб), 8«А»-синф ўқувчилари (Бахмал тумани, 33-мактаб);

Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Сузук тумани “Сотволди-ҳожидан” мактабидан конкурсимизга 60 дан зиёд ўқувчилар қатнашишди. Бири-бирдан мазмунли хатлар олдик. Улар ичидан энг яхшиларини танлашга қийналиб қолдик. Шу сабаб, мактаб раҳбариятидан бу мактаб ўқувчилари учун ажратилган 12 ўринга энг лойиқ ўқувчиларни ўзлари танлаб, яқунловчи босқичга йўллашларини илтимос қиламиз.

Конкурсимизнинг яқунловчи босқичига қатнашиш ҳуқуқи ўтган йили зукко иқтисодчи ёшлар “ЗИЁ” клубига қабул қилинган қатор аъзоларга ҳам берилди.

Юқоридан номлари келтирилган барча-барча ўқувчиларни чин юракдан самимий қутлаймиз ва яқунловчи босқичда омад тилаймиз! Бу ўқувчиларнинг мактабдаги барча устозларни, ота-оналарини ҳам эришилган марра билан табриқлаймиз! Уларга шундай ўқувчиларни, фарзандларни тарбиялаб, вояга етказётганликлари учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз!

“ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР” КОНКУРСИ ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Иқтисодиётдан сабоқлар” конкурсининг яқунловчи босқичи 1 май куни Авлоний номидаги республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти биносидан соат 9⁰⁰ да бошланади.

Яқунловчи босқич қатнашчиларини рўйхатга олиш 30 апрель куни соат 16⁰⁰-дан 1 май куни соат 9⁰⁰ гача институт меҳмонхонасида бўлиб ўтади (Авлоний номидаги республика малака ошириш институти талабалар шаҳарчасида республика кўз касалликлари шифохонаси ёнида жойлашган).

Яқунловчи босқич куйидагича дастур бўйича бўлиб ўтади:

1. Яқунловчи босқичнинг очилиш маросими - 9⁰⁰ - 9³⁰
2. Кичик ёзма иш ва тест синови - 10⁰⁰ - 12⁰⁰
3. Тушлик - 12⁰⁰ - 13⁰⁰

Конкурсдан ташқари шоу-тадбирлар

4. Назарий конференция (иқтисодиётга оид маърузалар) - 13⁰⁰ - 14⁰⁰

5. “Мен тадбиркор бўлганимда...” - бизнес режа лойиҳалари ҳимояси - 14⁰⁰ - 15⁰⁰

6. Энг зўр реклама конкурси - 15⁰⁰ - 16⁰⁰

7. Кичик телевизион интервьюлар, янги ўқув қўлланмалар кўргазмаси - 16⁰⁰ - 17⁰⁰

8. Конкурснинг яқунларини эълон қилиш, голибларни тақдирлаш конкурс яқунловчи босқичининг ёпилиш маросими - 17⁰⁰ - 18⁰⁰

9. Кечки овқат - 19⁰⁰ - 20⁰⁰

10. Дискотека - 20⁰⁰ - 21⁰⁰

Яқунловчи босқичнинг ҳамма тадбирлари Ўзбекистон телевидениеси томонидан суратга олинди ва у асосида қатор кўрсатувлар тайёрланиб эфирга узатилиши режалаштириляпти.

Конкурснинг яқунловчи босқичига келган ҳамма қатнашчилар ва улар билан бирга келган устозлар малака ошириш институти меҳмонхонасига жойлаштириладилар.

Ваъда қилганимиздек, конкурсда биринчи ўринни эгаллаган ўқувчини - телевизор, иккинчи ўринни эгаллаган ўқувчини - стерео магнитофон, учинчи ўринни эгаллаган 10 та ўқувчиларнинг ҳар бирини - аудиоплеер ва бошқа қимматбаҳо совғалар кутмоқда.

Шунингдек, эътибор берган бўлсангиз, сиз учун конкурсдан ташқари шоу-тадбирлар ҳам тайёрлаганмиз. Конкурсдан ташқари шоу-тадбирларга бевосита иштирок этиш ихтиёрий бўлса-да, уларга ҳам уйда таратқил қўриб келасиз деган умиддамиз. Қолаверса, бу конкурсдан ташқари тадбирларимиз голибларини ҳам қимматбаҳо совғалар кутмоқда. Сиз тайёрлаган маъруза 3 минутдан ошмаслиги, мазмунли, қизиқарли ва иқтисодиётга оид бўлиши керак. “Мен тадбиркор бўлганимда...” деб номланган бизнес режа лойиҳангиз, ҳозирда Ўзбекистонимиз иқтисодиётини ривожлантиришда, сиз тадбиркор сифатида қандай ишни амалга оширган бўлар эдингиз? деган саволга доир бўлиб, уни амалга ошириш бизнес режасини уйда тузиб келиб, даврада ҳимоя қилишингизга тўғри келади. Бизнес режани тайёрлашда устозларингиздан, таниш тадбиркор яқинларингиздан, уйдагилардан маслаҳат олангиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Сўзимизнинг охирида, конкурсимиз дипломанти унвонига сазовор бўлган ёш иқтисодчиларимизнинг яқунловчи босқичда қатнашиши билан боғлиқ бўлган ташкилий-молиявий масалаларни халқ таълимининг мутасадди раҳбарлари, ҳомий ташкилотлар раҳбарлари баҳоли қудрат ҳал қилиб, ёш ниҳолларнинг иқтисодиёт илмига бўлган интилишларига қанот бахш этадилар, деган умиддамиз ва уларга олдиндан бундай саховатли ишларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

КОНКУРС ТАШКИЛИЙ ҚўМИТАСИ

ДЎСТЛИК МАКТУБЛАРИ



Абдул Сатгор жаноблари Тошкентда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида (1989 йил) Суратни Дадахон Нурий чизган

Хиндистон ярим ороллари мамлакатларида «Буюк аллома» номи билан ардоқланувчи, мамлакатимизнинг яқин дўсти, улуғ шоир Файз Аҳмад Файз бундан 20 йилча муқаддам ўзбек адиблари билан бўлган бир учрашувда: «Энг аввало адабий алоқалар ривожига эътибор беришимиз керак. Бунинг учун биз ижодкорлар, фан ва маданият арбоблари тез-тез учрашиб туришимиз зарур», - деган эди.

Алломанинг башоратомуз бу сўзлари амалга ошмоқда, айниқса мустақилликка эришганимиздан кейин аллома шоирнинг ватани аталмиш Хиндистон, Покистон мамлакатлари

билан ўзаро адабий алоқалар ривожланиш босқичларига кўтарилди. Бу хайрли ишни амалга ошишида ўзбек адиби Дадахон Нурийнинг хизматлари катта деб айта оламиз. Зеро, «Хинд-Пок халқларининг буюк шоири» номини олган Файз Аҳмад Файз адибимиз хонадонининг энг яқин кишига айланиб қолганди. Ўзбекистонга ҳар ташриф буюрганида Дадахон аканинг меҳмони бўлмасдан қолмасди... Хонадон соҳибининг шахсий кутубхонасида аллома дил сўзлари ёзилган қатор китоблар сақланаётганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Ҳозир Дадахон аканинг хонадони икки кўшни мамлакат Хиндистон, Покистоннинг таниқли адиблари, зиёлилари учун қадамжога айланиб қолган, десак хато қилмаймиз. Дарвоқе, уларнинг кўпчилиги билан адибимиз оилавий борди-келди ўрнатган. Бундан бир неча йил аввал ўз отонаси билан адибимизни меҳмон бўлиб келган покистонлик машҳур шоир Изҳор Ул Ҳақининг қизи - тенгдошингиз Марзиянинг сизларга ёзган хати ва чизган суратларини «Тонг юлдузи»да эълон қилгандик. Марзия ҳозир Ислмободдаги мактаблардан бирида 3-синфда ўқимоқда. Шеърлар машқ қилади. Улар ичида Ўзбекистонга бағишланганлари анчагина.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкинки, икки кўшни мамлакат матбуотида адибимиз ва унинг хонадони, айниқса шаҳардан четдаги дала-боғи ҳақида таҳсинли мақолалар тез-тез босилиб туради.

Яна бунга, адибимиз номига дил изҳорлари битиб юборилган катта китоб бўлгудек ҳажмга яқинлашиб қолган юзлаб мактублар мисол бўла олади.

«Менинг мамлакатим Покистон ва

унинг халқига, тилига бўлган ҳурмат-эътиборингиз, ўзаро дўстлик ришталарини боғлашга бўлган интилишларингиз рафиқам иккимизни лол қолдирди, оилангиз мафтун бўлиб қолдик», - деб мактуб йўллаганди бундан 11 йил муқаддам, Покистоннинг ўша пайтдаги Москвадаги элчиси, ҳозир мамлакат Ташқи Ишлар вазири Абдул Саттор жаноблари.

Яқинда сеvimли ёзувчимиз хонадонига бир вақтнинг ўзида Деҳли ва Ислмободдан иккита мактуб келди. «Бизнинг сиз билан қилган суҳбатлар, сайру саёҳатлар хусусида олган таассуротларимиз шунчалик кўпки, уни ёзишга, тасвирлашга қалам ҳам, мўйқалам ҳам ожиз» - дея хат йўллашган таниқли Хинд адибаси - ҳикоянавис ва шоира профессор Нигор Азим ҳамда таниқли мусаввир Сиддиқийлар.

«Қизим Холида, - деб бошланади Ислмободдан келган иккинчи мактуб, - буюк уламоларимиз ҳоки-пойи ётган қадимий ва навқирон юртинг-Ўзбекистонга мени таклиф қилиб ёзган хатингни олдим. Катта раҳмат! Самарқанд, Бухорои шарифни томоша қилиб хайратга тушгандим. Энди-



Доктор Абдул Қадир Хон

ги орзуим буюк Заҳириддин Муҳаммад Бобур қадамжолари бўлган гўзал Фаргона водийсини зиёрат қилишдир... Аданга айтгин: «Дача»да гилос, қовунлар пиша бошлаганда менга хабар қилсинлар. Албатта боришга ҳаракат қиламан. Сенга ҳурмат билан доктор Абдул Қадир Хон».

Номи жаҳонга машҳур мусулмон дунёси мамлакатларининг «Хилалэ имтияз» - («барча имтиёزلарга ҳақли») деган унвонига сазовор доктор А. Қ. Хон ҳақида Дадахон Нурий ўзининг Тошкентда «Даричам рўпарасидаги Покистон», Ислмободда «Покистон», «Олтин девор тирқишидан» номи билан босилиб чиққан китобида алоҳида тўхталиб ўтган.

Шу буюк олимга мактуб йўллаган Холида Нуриддинова ҳақида гапирадиган бўлсак, у Тошкентдаги 17-маҳсус инглиз тили мактабида ўқийди. Инглиз тилини яхши билади.

Бизлар таниқли ўзбек адиби хонадонига бўлиб, ушбу сатрларни қоғозга туширар эканмиз, буюк аллома Файз Аҳмад Файз ёқиб кетган чироқ дўстлик-қардошлик машъали бўлиб порлаб турганининг гувоҳи бўлдик.

Мустақил юрт фарзанди Холидага хавасимиз орди. Ахир ўз уйида озмунча дунё миқёсидаги санъат ва маданият юлдузларини кўрганми у?.. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.



Холида Нуриддинова

Абдулҳамид АБДУЛҒАФФОРОВ,

НИЛАМНИНГ ШИОРИ

Нилам 1969 йил 9 январда Котхари оролида дунёга келди. Нилам туғилганида унинг отонаси келажакда қизини машҳур киноактриса бўлишини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. «Чаён» буржи остида туғилган Нилам жуда ҳам мафтункор, мулоқотда доимо хотиржам, ўзгаларни бахтли кўрса, ўзини ҳам худди ўшалардек бахтиёр ҳис этади.

Актрисанинг бўйи 166 сантиметр, оғирлиги 58 килограмм. Кўпчилик режиссёрлар ва кинотанқидчиларнинг таъкидлашича, Ниламда туғма актрисалик қиёфа ҳамда қобилияти бор.

Ниламнинг энг ёқтирган егулиги - шоколад ва яна шоколаддир. Унинг айтишича, актриса шоколадсиз яшай олмайди. Шунингдек, у доим парҳез қилиб туради ва ҳар нарсани ҳам еявермайди.

Қайта-қайта кўриб, туймайдиган, энг сеvimли фильми - «Муסיқа садоси» картинасидир. Актрисанинг энг ёқтирган санъаткорлари ҳам бор, булар Голливуддагилардан-Майкл Дуглас ва Голди Хаун, хиндистонликлардан-Амитабх Баччан ва Шридеви.



У ҳазиллашишни жуда ёқтиради, лекин бировга оғир ботмайдиган қилиб ҳазиллашади. Шунинг учун ҳам апрель - Ниламнинг сеvimли ойи.

Нилам муסיқанинг барча турини хуш кўради, лекин энг ёқтиргани рок муסיқасидир. Актриса дўстлари ва барча-барчага ишонч, фидокорлик, садоқат ва умид билан яшашни маслаҳат беради.

У ёлғиз сафарга чиқишни ёқтирмайди ва йўл азобига умуман чидолмайди. Актрисанинг мириқиб дам оладиган жойи «РЭЗК», яъни «Рок эроунд зе клок» дам олиш масканидир. Нилам жониворларни жуда яхши кўради, энг сеvimли ҳайвонлари-итлар ва тошбақалар-

дир. Афсуски, унинг энг сеvimли тошбақаси бундан 10 йил аввал 11-қаватдан тушиб, бечорани автомобиль босиб кетди.

Ниламнинг оиласидагилар заргарлик буюмларини яшаш ва сотиш билан шуғулланадилар. Унинг отаси ва акаси Бангкок ва Нью-Йоркда қимматбаҳо буюмлар билан савдо қилишади. Актриса ҳам бўш вақтларида заргарлик буюмларини яшаш билан шуғулланади.

Унинг энг сеvimли либослари - «жинси ва оқ рангли кўйлақлардир». Шунингдек, ҳинд миллий мумтоз услубидаги либосларни ҳам севиб кияди.

Нилам худди ёш гўдақлардек момиққина, пахмоққина уйинчоқлар йиғишни яхши кўради ва улар билан фахрланади.

Бу ёқимтой қизнинг сеvimли атири - «Ромео Гигли» дир. У яхши кийинган одамларни мафтункор деб ҳисоблайди.

Нилам яқка худогагина ишонади, унинг учун энг ҳурматли ва азиз инсон эса ўз отасидир.

Актриса кўпинча

Кино юлдузлари

яқин дўстлари билан ўзининг туғилган ери, доимий сеvimли дам олиш маскани-Бангкок ва унга туташ денгиз соҳилида хордиқ чиқаради.

Ниламнинг шиори - «Нима эксанг шуни ўрасан, яхшилик қилсанг яхшилик топасан, ёмонлик қилсанг ёмонлик».

Актриса ўз мухлисларига доимо ҳаётлари қувонч, бахт ва кулгуга тўла бўлишини тилаб қолади. Биз эса Ниламга ўхшаб актриса бўлишни истаганларга унинг йўлини берсин, деймиз.

Шоҳруҳ МИРЗО



Muhammadjon akasi aytgan so'zni ichida takrorlagancha tabibni aytishga chopib ketdi. Oldidan sharqirab oqayotgan kattagina ariq chiqib qoldi. Undan sakrab o'tdiyu, takrorlab kelayotgan so'zini esidan chiqarib qo'ydi. Nima qilishini bilmay, u yoqdan bu yoqqa yura boshladi. O'sha so'z hecham yodiga tushmadi. Endi tabibga nima deyman? Agar nima kasalligini aytmasam, tabib dadamga qanday dori oladi?

Shularni o'ylaganicha suvga tikilib yig'lab o'tirdi. Shunda eshak mingan bir kishi kelib qoldi.

-Ha, toychog'im, nimaga yig'lab o'tiribsan?-so'radi u eshakdan tushayotib. -Ariqqa biror narsang tushib ketdimi?

-Ha, amaki, akam endi meni

TOPDIM

Hangoma



o'ldiradi, -Muhammadjon battar ovoz chiqarib yig'lay boshladi.

- Nimang tushib ketgandi? -so'radi

amaki.

-Yoqut ko'zli oltin uzuk.


Oltin so'zini eshitgan amaki oyoq kiyimlarini yechib, yenglarini shimarib, ariqqa tushdi. Qo'llari, oyoqlari bilan rosa izladi. Hech nima topa olmagach, ariqdan chiqib, oyoq-qo'llarini bolaga ko'rsatdi:

-Toychoq'im, oltin uzuging yo'q.

Qara, oyoq-qo'llarim oqyem bo'lib ketdi, -dedi. Buni tasdiqlaganicha eshak ham hangrab yubordi. Bu so'zni eshitgan Mahamadjon takadek irg'ishlab o'rnidan turib ketdi. Eshakka bir tikilib, amaki aytgan so'zni esladi.

-Topdim, amaki, rahmat, -dedida, «eshakyemi» degan so'z yodiga tushganidan xursand bo'lib, tabibning uyi tomon chopqillab ketdi.

Karim RAXIM



OT VA BUG'U

/ertak/

Qadim zamonda o'tloqlarda erkin yuradigan yovvoyi ot bor ekan. Uni hech kim haydamabdi, ushlamabdi. Qish kunlari qori yupqa keng dalani, o'ti qalin to'qayni, daryo va ko'l bo'yidagi o'tloq yerlarni makon etibdi. Yoz kunlari esa toqqa chiqib, qir adirlarda yoyilib yurar ekan.

Kunlardan bir kun baland-baland tog'lar orasidagi bir yalang yerga borib shu yerdagi qalin o'tloqqa, ko'm-ko'k maysazorga duch kelib qolibdi. Keng maysazorda o'tlab yurgan ekan, bir bug'uni uchratib qolibdi. Bug'u keng yoziq dalaning o'ti mo'l bo'lganidan keyin ot ketsa kerak deb o'tloqni qizg'onmabdi. Ikkalasi birga o'tlab yuraveribdi.

Biroq, sekin-asta bug'uda shu o'tloqzorda faqat yolg'iz o'zi hukmronlik qilish, egallab olish istagi tug'ilibdi va yilqiga ko'rgan sayin tegishib, shoxi bilan suza boshlabdi.

Tinchligi, xuzr-halovati ketgan, kelgindi bug'udan jabr ko'rgan ot odamga arzga boribdi.

-Men tog' bag'ridagi keng

maysazorda o'z erkim o'zimda, bamaylixotir o'tlab yurgan edim, kunlardan bir kun bug'u keldi. O't ham, o'tloqzor ham ko'p mo'l bo'lgandan keyin unga tegmadim. Biroq so'nggi vaqtda bug'u meni shoxi bilan suzib, o'tloqdan quva boshladi. Tinchlik bermay zulmini o'tkaza boshladi. Endi uni o'z makonimdan qanday quvsam ekan. Siz yordam bermasangiz bo'lmaydi, -deb iltijo qilibdi.

Qo'lga tushmasdan yurgan asov yilqining arziini eshitgach, odam unga shart qo'yibdi:

-Men bug'uni quvaman, u qo'limdan keladi. Biroq men yayovman, o'zing ko'rib turibsan. Uning uchun sening ustingga o'tirishim kerak.

Bug'udan ko'rgan jabr-jafosi uchun ot noiloj odamning aytgan shartiga rozi bo'libdi.

Odam otni egarlab, minib oladi-da, bug'u yurgan yerga keladi. Qo'lga uzun tayoq ushlagan odamning uzoqdan qorasini ko'rgan bug'u jonini saqlash uchun tog'-toshdan oshib, qalin o'rmonning ichiga kirib, yo'q bo'lib ketibdi.

-Rahmat sizga, odam! Siz mening yolg'iz do'stim ekansiz, -debdi ot minnatdorchilik bildirib. -Endi men sizga qanday yaxshilik qilsam bo'ladi?...

Shunda odam o'ylanib turib, o'z

istagini aytibdi:

-Sen shu ko'm-ko'k o'tloqda o'tlab yuravergin, -debdi otga. -Bundan buyon sen mendan qochma. Senga xiyonat qilmasligimni ko'rib turibsan. Menga zarur bo'lib qolsang, o'zim kelib ushlab minadigan bo'layin, xo'pmi?

Yilqi ot odamning shartiga rozilik beribdi. Shunday qilib, ot odamga xizmat qiladigan bo'libdi. Ishi bitgach, odam bo'shatib yuborsa, tog'u-tosh, qir-adirlar orasidagi o'tloqqa yoyilib, sakrab, ag'anab, quvna yuraveradigan bo'libdi.

Bug'u esa odam bilan do'stlashgan yilqining-otning yoniga yaqinlashmaydigan, o'rmon orasini, tog'u-tosh ichini makon etadigan bo'libdi.

Qidirboy TO'LABOYEV.



Ўзбекистон болалари
ва ўсмирларининг
газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ
ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Хотам АБДУРАИМОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
“Ўод дунйоси”
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нускада босилди. Ҳажми
2 босма табоқ.
Буюртма - К-7842
Газетани Абдуҳамид
АБДУҒАФФОРОВ
саҳифалади.
Навбатчи:
ОЗОДА
ТУРСУНБОЕВА

Руйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилимиз
700129,
Тошкент шаҳар,
Наввий кўчаси 30-уй.

Тел: 144-62-34